

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 5 июльдан чиқа бошлаган.

№ 154 (6. 643)

1988 йил 5 июль, сешанба

Баҳоси 3 тийин

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг резолюциялари эълон қилинган.

«Правда» газетасининг тўртинчи саҳифасида «Қайта қуришни амалий иш билан мустаҳкамлаш» сарлавҳаси остида Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегатларининг дил сўзлари берилган.

Газетанинг шу саҳифасида босилган «Янги Пигмалион», ёки хўжалик ҳисоби прогресс моделига қандай қилиб ҳаёт бахш этиш ҳақида» мақолада хўжалик юрисидаги янги шароитларда хўжаликнинг дуч келётган муаммолар ҳақида фикр юритилди.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ҲАҚИДАГИ АЛОҚА МУСТАҲКАМЛАНСИН

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Чирчиқ ва Олмалик шаҳарлари биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерацияси ишида иштирок этмоқда. Ўзбекистондаги шаҳарлар билан биродарлашган шаҳарлар орасида Сент-Луис (АҚШ), Тунис (Тунис), Марокко (Марокко), Патнала (Ҳиндистон) ва яна жаҳондаги турли мамлакатлардаги санкиз шаҳар бор. Сўнгги вақтда булар қаторига Афғонистон вилоятлари билан бевосита дўстлик алоқалари ўрнатган областлар ҳам қўшилди. Бевосита алоқаларни мустаҳкамлаш ва таъминлаштириш учун ҳамма ишлар қилинган, бу борада резервлар, янги имкониятлар бориш. Шу масалаларнинг барчаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар доимий комиссияси аъзолари диққат марказида бўлди. Мажлиси комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмухамедов олиб борди.

Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги муносабатлар кўнрақ шонли воқеалар муносабати билан ўз шериклари бўлган муниципалитетларга қўтлов ва табриклар юборишдан иборат бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, дўстона алоқаларнинг мустаҳкамлаши шаҳар ҳўжалигини юритиш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социал тизминот, маиший, маданий ҳаётни таъминлаш, шаҳарларни муҳофаза этиш, шаҳарларни планлаштириш ва қуришдаги тажрибани ўрганишда ҳам катта фойда бериши керак. Афсуски, деб ўқитишчи депутатлар, шаҳар иқтисодиёт комитетларидан бирортаси Киев, Рига ва Таллиндаги сингари чет эл тажрибасини жорий этишга қаратилган бирор-бир қарор қабул қилмаган.

Домий комиссия аъзолари ўзлари қабул қилган қарорда биродарлашган шаҳарлар советларининг ижроия комитетларига дўстона алоқаларни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар янада қатъий билан ва аниқ мақсадни қўзғаб амалга оширишни тавсия этди. Бу ўринда чет элларга бораётган республикамиз меҳнатқиллар турли сиёсий йўналишдаги жоматчилик вакиллари билан мулоқотта фаол иштирок этиши, чет элда бўлганларидан мамлакатимиздаги қайта қуришни бориши тўғрисида, социалистик экономика, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, социал муаммоларни ҳал этишдаги ютуқлар тўғрисида одамларга гапириб беришлари керак. Шу билан бир вақтда чет элга бораётган барча кишилар турмушининг турли соҳаларидаги илгор тажрибани сиқовлик билан ўрганишлари ва ўзлаштиришлари зарур. Дўстона алоқалар барча шерикларга икки томонлама фойда бериши даркор.

Аммо, ҳар қалай, ҳозир бунинг ўзи кифоё эмас. Депутатлар биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги бевосита алоқаларни сақлаб туриш учун фойдаланилган барча шакллар ҳозирча баъқат маданий-маърифий ва кўнрақ характерга вага эканлигини таъкидлашди.

Сўнги соатдо ТАСС ХАБАРЛАРИ

Париж. Франциянинг «Эр-Энтер» авиакомпанияси учувчилари ва борт инженерлари «Аэробус А-320» самолётларидаги экипаж сонини камайтиришга қарши норозилик билдириб қисқа муддатли иш ташлашлар яна ўтказилгани эълон қилди. Улар бир неча ойдан буён забастовка қурашни олиб бормоқдалар, лекин ҳозиргача муваффақиятга эришганлари йўқ. Компания дирекцияси қасаба созоларининг энижалар сонини камайтириш учун хавфсизлигини оширади, деган далилларини рад этиб келмоқдалар. Яқинда «Аэробус А-320» самолёти Юкери Рейн департаментидagi Мюлуз шаҳрида ўтказилган авиация байрами вақтида намойиш марсадида учганида ҳалокатга учради. Бир неча киши ҳалок бўлди, юзга яқин киши яраланди.

Мадрид. Испанияда 1 июльдан бошлаб 8-ини оғир кун бўлади. Ўтган уч кун вақтида Испаниянинг автомобиль йўлларида 44 киши ҳалок бўлди ва 18 киши оғир яраланди. Мамлакатнинг кичик ишлар министри шу вақтда хабар берди. Ҳалдан эътиб тез юриш ва қувиб ўтиш автомобиль аварияларининг асосий сабабидир. Ўтган йилнинг июль ва август ойларида, асосан шу сабабларга кўра Испания йўлларида 1200 га яқин киши ҳалок бўлган эди.

Вена. Австриянинг тоғли районларида қалати воқеа содир бўлди. Мамлакатнинг гарбиди, денгиз сатҳидан 1500—2000 метр баландликда тўсатдан қор тушиб, Альп яилловларини, аҳоли пунктлари ва йўллари қоплади, унинг қилинлиги бир неча сантиметрга етди. Қундузи ҳаво ҳарорати 30 даражадан ҳам ошиб кетадиган ёқин ўрталарида содир бўлган бу қандам-қанча учрайдиган ҳодиса автомобиль транспорти учун анча қийинчиликлар туғдириди. Йўл хизмати маҳкамаси «ҳаётий» қуришни зарур чораларга риоэ этилганига айтиш тоғ йўлларида енгил ва юк автомобиллари юриши мумкин, деб эълон қилди.

Объективда—Панама



Бугунги кунда Панама планетаимизнинг энг қизғин нуқталарида бири. Марказий Америкадаги ана шу мўъжизага даялатда вужудга келган уруш қизиқши мумкин бўлган вазиет АҚШнинг мамлакат ички ишларига қўпол аралашуви оқибатидир.

Қўша Штатлар ва у билан тил билирирган ички реакция республика граждн ва ҳарбий раҳбарлигини ағдариб ташлаш, Пентагоннинг канал зонасидаги ҳозирлигини абадийлаштириш учун бутун куч-гайратини Панамада ички сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятни издан чиқаришга сафарбар этмоқда.

Испаниянинг «Камбио-16» ҳафтаномасидан олдинган ушбу суратда америкапараст оппозиция Панамада уюштирган оммавий тартибсизликлар тасвирланган. Улар ана шу йўл билан мамлакатдаги мураккиб вазиятни янада мушкуллаштириш ниятидалар.

ТАСС фотокроникаси.


Фирибгар

ЕКИ УЗНИ «СОВЕТ ИТИФОКИ ҚАҲРАМОНИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАН АЕЛНИНГ НАЙРАНГОЗЛИГИ

— Туринг, суд келтир... Секретарининг овозидан задалганлар оёққа турди. Суд қора курсисига ўрта ёшлардаги аёл келиб ўтирди. Ҳўш, у киши Жиноят қилишга уни илаа маъбуд этди! Воғга етгани фарзандларини ташлаб, оналик бурчини унутиб, турли шаҳар ва қишлоқларга бориб, содда кишиларни қор қақшган ва фирибгар аёл киши бўлди! Бир зум ўтган. «Тошкент оқшомини» газетасининг 7 июль сонини тўртинчи саҳифасида ана шу фирибгарнинг қийин ишлари ҳақидаги суд очеркини ўқийсиз.



ЗАМОНДОШИМИЗ



Умр зийнати

Бу сўзларни ҳар ким ҳар хил тушунади. Лекин оқил, заҳматқаш кимса борки бунинг маънаси деб билади. Яъни умр зийнати, тириклик гузаллиги — меҳнат, меҳнат билан. Биз узоқ йиллар оддий меҳнатқашнинг қадрига етмай келдик, унинг асосий вазифаси меҳнат қилишга деб билдик. Турмуш шароити, жамият таъдирига дахлдорлиги ўй-кечнмалари ила қизнмадик ёки эътибор бериши истамадик. Натияжада моддий-иқтисодий турғунлик билан бир қаторда маънавий турғунлик ҳам вужудга келди. Бошқа иллатлар қаторида фикрсузлик иллати ҳам пайдо бўлди, бунинг оқибатлари кўп ҳолларда яна ўша ҳақиқини турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатди.

эмас, балки ҳаммининг, жамиятнинг ҳар бир гражданининг иши эканига яна бир қарра имон келтирди. Евгений Иванович 1956 йилдан бери тарозилар ремонт бўйича слесарь бўлиб ишлаб келмоқда. Жамиятнинг граждани, унинг ҳам ҳар бир одам боласида бўлгани каби ўзига яраша дарди, қувончи, ўй-кечнмалари бор. 1970 йилдан КПСС аъзоси Евгений Иванович — партия сафида бўлган ҳар бир киши ҳалол, покиза инсон бўлиши керак, — дейди. Партияга қабул масаласида ҳам айнан ана шу хислатлар инобатга олиниши лозим, деб ҳисоблайди.

Тошкентнинг дархонларда меҳнат қилаётган минглар қатори «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, меҳнат ветерани Евгений Иванович Аржанцев ҳам XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини материалларини, делегатларнинг чиқишларини катта иштиёқ билан ўқиб чиқди. Ва билдикни қайта қуриш, ошқорлаш, демократия деган сўзлар шунчаки сўз эмас экан, жамиятда ҳаётбахш шабадалар эсаётгани, янгилашни бир ёки икки кишининг

Корхонада у ишбилармон тарғиботчи сифатида ҳам кўпчиликнинг меҳрини қозонган. Э ў ҳаммасларига замон, тараққиёт, жамиятимизда етилган масалалар, муаммолар ҳақида батафсил матълумот беради, жонли гурунглар уюштиради. Энг муҳими — ҳамма унинг гапларига ишонди, чунки ўзи, ўз меҳнати билан ишонтира олади. С. САЛОҲИДДИНОВ. © СУРАТДА: Е. И. Аржанцев. Т. Каримов фотоси.

Масъулият ҳисси

Ватанамиз пойтахти Москва коммунистларнинг XIX Бутуниттифоқ анжумани ўз ишларини якунлади. Конференция минбаридан айрилган рўй-рост гаплар, тақлиф ва мулоҳазаларни биз буюнорлар ҳам диққат билан тингладик. Коммунистик партияимизнинг XXVII съезиди қурувчилар олдида 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида алоҳида ўй-жой билан таъминлашдек масъулиятли вазифани қўйган бўлса, конференцияда «Ўн биринчи беш йилликка нисбатан ўй-жойларни тошириш йилига 15 миллион квадрат метрдан ошмоқда. Лекин сифат масаласи кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда» деган сўзлар янгради. Бу албатта қурувчилар зиммасига янада юксак масъулият юклайди.


Тўғриси янги керакни, бизда сифат масаласи ҳамон оқсаб қолмоқда. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Биринчи сабаби ишнинг яхши планлаштириш билмаслигида деб тушунаман. Масалан, объектга бир-икки бригадани муддатидан илгари жалб этишди. Қурувчилар келишад-ю лекин материал йўқ. Еки бўлмаса аргрегат электр билан таъминланмаган, бунинг ишга сув танқис. Натияжада бир неча кунлаб бригадалар бекор ўтиришди. Бордию улар хўжалик ҳисоби асосида меҳнат қилишадиган бўлсалар, унда нима бўлади? Бу ёни ўз-ўзидан аён. Бунинг устига ҳеч қандай шароит қўйилгани айтмайликми? Объектга ҳатто вагон ўй ҳам келтирилмаган бўлади. Шундан кейин иш уёқда қолди. Ўзинизга шароит яратиб бўлган овора бўлиб нетами. Яхши шароит бўлган жойда ҳам қўним, ҳам унум бўлади.

Кези келганда шунинг ҳам айтиш керакки, қуришнинг сифатининг оқоқлиги баъзида объектга келтирилмаётган махсудот сифатига ҳам боғлиқ. Эшик, ром, паркет, бўёқ набилар баъзан стандарт талабларига жавоб бермайди. Қуришга технологиясига мос келмайди. Шунингдек, экин-ромни ўрнатиб, унинг атрофини гишт териб мустаҳкамлаш, суваш керак. «Хайбаракалла», «Ҳа бўлҳа бўл», натияжасида баъзи хоналарнинг эшик ва ромлари ёнига гишт териб ўрнига картон-қоғоз қўйиб суваб юборишди. Оқибатда се-

Б. ФОЗИЛОВ, «Ташпробстрой» трести сувоқчилар бригадаси бошлиғи, КПСС аъзоси.

Тошкентда кулги маркази



Яқинда пойтахтимиздаги Собир Раҳимов номи боз одатдан ташқари гавнуи бўлди. Сўриларини тўлдириб ўтирган отахонлар, ингиблару келинчаларнинг юзиди ширин табассум. Уларнинг бу ерга келишга бос бор, албатта.

Кўп вақтдан бери «Тошкент оқшомини» саҳифаларида Тошкентда кулги қозонаси барло этиш ҳақида куюнчақлик билан ёзилган тақлиф ва мулоҳазалар мунтазам ёритиб келинди. Айниқса этнограф олим, тарих фанлари кандидати Билал Аминовнинг «Тошкент оқшомини» газетасида кулги марказини ташкил этиш ҳақидаги ташаббус билан чиқишини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир.

Никоят, ҳамшаҳарларимизнинг эзгу орзуси ушалди: Собир Раҳимов номи бозда «Оталар чойхонаси»—кулги қозонасида республика кулги маркази иш бошлади! Тошкент шаҳар Совети иқтисод, кулги қозонасининг дилбар, сўлим оромгоҳга айланиш учун катта жонбозлик кўрсатди.

Сўзга чиққан адиблар, кулги шинавандалари бую қозонанинг очилиши айни муддао бўлганлигини мамнуният билан таъкидлашди. Республика кулги марказининг очилиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари А. С. Исрофов, М. Ҳ. Холмухамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири С. А. Хўжаева, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков, Тошкент шаҳар Совети иқтисод комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов, Ўзбекистон ССР Маданият вазири У. Р. Умарбеков, Ўзбекистон ССР Маданият вазирининг ўринбосари Р. Н. Нишонвалар қатнашди.

«Тошкент оқшомининг» бугунги 3-саҳифасидаги аниқлаш «Кулги қозонаси» шахримизда кулги маркази очилиш маросимида бағишланади ва унда машҳур ҳана усталари ижодидан намуналарни ўқийсиз.

танинг биринчи ярмида нисбатан иссиқ кунлар сақланиб туради. Ҳарорат кечаси 19—24, кундузи 33—38 даража бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ағир ёғиб ўтиши мумкин. Ҳаво ҳарорати 4—5 даража пасаяди. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик норма атрофида бўлади.

БИЛИМИМIZНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ИШИГА БАҒИШЛАЙЛИК

2 июль кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде Олий партия мактабларининг битирувчилари билан учрашув бўлди. Учрашувда Тошкент Олий партия мактабини тугатган кишилар билан бирга Россия Федерациясининг Олий партия ўқув юртлиарида — Москва, Ленинград, Новосибирск, Свердловск ва Саратовда таълим олган республика вакиллари ҳам қатнашди.

Янги партия кадрлари КПСС нинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишларини тамомлаган шонли бир пайтда республика партия ташкилот сафига қўшилётган кишиларни учрашувда қайд этиб ўтлди. Конференцияда жамиятимизнинг социал-иқтисодий, сиёсий жиҳатдан яна да ривожлантиришининг конкрет йўллари белгиланди. Учрашув қатнашчилари қайта қуришга, партия конференциясини қарорларини амалга оширишга фаол қўшилишлари лозим.

Партия активларининг РСФСРдаги, бошқа республикалардаги Олий партия мактабларида ўқитганлиги Ўзбекистонда кадрлар снб

лади. Атмосфера жараёнлари ва метеорология ҳолатлари кутилаётган ривожнинг таҳлили шу ҳафтада кунларнинг ижобий келишидан далолат беради. Бу демеъ об-ҳаво салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган махсус чораларга риоэ қилишга ҳолат бўлмади. Бундай кунларда об-ҳаво ўзгаршиларига мойил беморларни метёридаги иқлимий профилактика, очик ҳавода бўлиш вақтини кўпайтириш йўли билан аста-секин чиништириш тавсия этилади. Аммо врачлар беморларга жисмоний активлик режимиин белгилашар экан организмнинг ҳолатини, микроклимат хусусиятларини инобатга олишлари лозим.

5 июльдан 10 июльгача кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Маждидов тахрири остида. Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига қараганда, шу ҳафтанинг биринчи ярмида нисбатан иссиқ кунлар сақланиб туради. Ҳарорат кечаси 19—24, кундузи 33—38 даража бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ағир ёғиб ўтиши мумкин. Ҳаво ҳарорати 4—5 даража пасаяди. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик норма атрофида бўлади. Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти меъд об-ҳаво маълумотлари ва метеорофилантика маркази мухтассисларининг фикрига кўра, кутилаётган ҳаво ҳароратининг, атмосфера босими ва ҳаво таркибидеги кислород миқдорининг ўзгариб туриши иқлим нормаси атрофида бўлади.

Об-ҳаво ва саломатлик Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий раҳбарини, Ўзбекистон ССРда хизмат

ТАСС МУХВИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БЕРЛИН. Берлиндаги «Камише опера» театрида бўлиб ўтган Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операси премьераси ГДР пойтахтининг маданий ҳаётида арктик вақтга бўлиб қолди. Спектакль режиссёри Адольф Дрезен ўз постановкаси руҳини Пушкин даврда «кўра улуг рус композитори яшаган ва имод этган даврга кўпроқ қаратган. Шу билан бирга режиссёр опера қаҳрамонининг руҳий кечинмаларига асосий эътибор берган.

Мария Ван Донген (Татьяна), Роберт Смитс (Онегин), Кристиана Эртель (Ольга) ва оркестрнинг дирижёри Ролф Райтер аниқса муваффақият қозондилар. «Нойес» дойдридан «кўра улуг рус композитори яшаган ва имод этган даврга кўпроқ қаратган. Шу билан бирга режиссёр опера қаҳрамонининг руҳий кечинмаларига асосий эътибор берган.

ШВЕЙК ҲАҚИДА МУЛЬТФИЛЬМ

ПРАГА. Прагадаги И. Тринка номли мультпликация ва кўпроқ фильмлар студиясиде чех ёзувчиси Ярослав Гашекнинг машҳур «Швовоз солдат Швейк ҳақида» романи бўйича ун серияли кўпроқ фильм суратга олиниб бўлди.

ГФР мультпликациячилари билан ҳамкорликда яратилган бу фильм режиссёри Станислав Латадир.

Янги мультфильм студияда суратга олинган барча фильмларнинг энг каттаси бўлди. У Гашек машҳур романининг яратилиш тарихи тўғрисида ҳисоб қилувчи ҳужжатли маълумот билан туқизга 30 минутли сериалдан иборатдир.

Картинани яратган С. Латадир, Тринка билан бирга ишлаган, Шу боисдан у бош қаҳрамон образини талқин этишда унинг голларидан фойдаланди. И. Тринка бу қаҳрамон образини эллинистик йиллардаёқ яратган эди. Мультпликациячи фильм устидеги иш икки йилдан кўпроқ қузиди.

Съёмкаларда 200 дан ортиқ кўпроқ ва 1200 та режиссёр ашёларидан фойдаланилди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БЕЛГРАД. Сараевода «СССРда илмий техника ахбороти» кўргазмаси ўз ишчи тамомлади. Кўргазма социалистик мамлакатларнинг информатика соҳасидеги ҳамкорлигини ривожлантиришни яхши имкониятларини намойиш этди.

Чет эл ӨХМ тармоқлари ва ана шу тармоқлар банклари билан автоматлаштирилган тарзда ахборот алмашиш Совет илмий марказида фойдаланиладиган информатика-ҳисоб системалари экспозиция марказига айланди. Кўргазма томошабинлари марказ ахборот банк билан бевосита боғлиқлиги ва илм-фан, техника, маданий соҳалардан турли маълумотлар олиш имкониятига эга бўлишди.

ЛАННОГ агентлигининг таъкидлашича, Ҳазро Иқтисодий Ердан Кенгашига аъзо мамлакатлар ўртасида ахборот айланиш системасини ривожлантириш имкониятлари, шунингдек ЮСФРнинг бу системани яхшироқни республика илмий хассасларидан, корхона ва муассаса раҳбарларида, шу жумладан «Энергоинвест»га «Унис», «Шипа» ваби янги ишлаб чиқариш бинолари раҳбарларида зўр эътибор уйғотилади.

ПРАГА. Чехословакиянинг машҳур курорти — Лужковцеда маданий «Халқаро маданий ёз фасли» анъанавий санъат байрами очилди. Симфоник ва астрада музикасининг ўнлаб концертлари, вокал-чолғу ансамбллари иштирокида чийилари, «Ижодкор ёшлар куялари»ни ўтказиш байрам программасида кўзда тутилган. Болгария, ГДР, Венгрия, Польша ва Руминиядан келган таъкидлик икромчилар ҳамда икромчилар коллективлар курорт шаҳар аҳолиси ва унинг кўпроқ маҳсулоти учун концертлар қўйиб берадилар.

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Веспрем шаҳрида мамлакат маданий турмушида ёрқин воқеага айланган телевизион фильмлар анъанавий фестивали ниҳоятини ўтказди. Фестивалда қарийб 40 та фильм шу жумладан телевидение спектакллари, опералар, болалар программалари намойиш қилинди.

Жюри фестивалнинг бош савринини таниқли венгер режиссёри Дьерд Молнарга «Сехргарнинг туши» фильми учун тақдим этди.

Ишга жиддий ёндошайлик

«Уй-жой муаммоси ҳақида. Биз бениҳоя муҳим вазифани ҳал этишга — амалда 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки яққа тартибдаги уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга киришдик. Бунинг учун 35 миллиондан кўпроқ квартира ва уй қуриш кераклиги маълум. Гарчи уй-жой қуришидаги вазият яхши томонга ўзгара бошлаган бўлса-да, бу муаммо ҳамон жуда кескин бўлиб турибди, одамлар йиллар давомида квартира берилишини кутмоқдалар».

(КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси материалларидан).

Мана ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили иккинчи ярим йиллик ҳам зарбдор суратда бошланди. Бунёдкорларимиз КПССнинг XXVII съезди белгилаб берган тараққиёт ўфқларидан оғинишга ҳар бир совет оиласини уй-жой билан таъминлашдек муҳим вазифани бажаришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ҳўш, ҳисса эришиш учун нималарга эътибор беришимиз ва қандай эришиш мумкин? Аванлашбор фан ва техника тараққиётини юксак даражага қўтариш, технология жараянларидан самарали фойдаланиш, илгор усулларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, коллектив ва бригада пудрати методларини амалда қўллаш, жадаллаштириш, қайта қуриш тўғрисида бу маррага эришилди. Бошқармада бу масала қандай ҳал этилмоқда?

Кейинги йилларда коллективларимиз малакали кадрлар ҳисобига боймоқда. Натияжада қурилиш ҳажми сезиларли даражада ошди. Йиллик план ва топиришлар муваффақиятли бажариламоқда. Бун биргина ўтган ярим йиллик мисолида ҳам кўриш мумкин. Бошқармаимиз қурувчилари 3,5 миллион ўрнига 3 миллион 700 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. 18 та 9 қаватли уй пардоздан чиқаришти.

Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарофига қабул қилинган социалистик мажбурият шараф билан удалланди. Бу қўрсаткичлар албатта кишини қувонтиради. Лекин бу конференция минбаридега айтилганидек, уй-жойларни қуриш сифати ҳамон талаб даражасида бўлмапти. Ҳали ҳам бу соҳага жиддий эътирозлар билдириляпти. Шу нуқтан назардан иши-

мизга танқидий ёндошсан бор камчиликлар яққол аён бўлади-қолади. Булар нимагадир иборат? Очигини айтганда, биз сифат масаласида ҳали ҳам оқсаялмиз. Қачон бирорта турар жой биносини фойдаланишга топиришсан орқасидан бирор гап-сўз чикиб қолмасмикин деб қўчиб турамиз. Уйни сифатли ишга тушириш бизнинг бурчимиз. Бу юксак маъсулиятдан ҳеч қачон четда қолмаслигимиз керак. Аммо шундай дамлар ҳам бўладики, кўпгина нарсалар бизга боғлиқ бўлмай қолади.

Коллективимиз асосан биноларни пардозлаш ишлари билан шугулланади. Бирон бир объекта боришимиз билан кўпичча бизга катта «умид» боғланади. «Бош пудратчи ташкилот объектни топириш муддатини қўзиб юборди. Энди бир тезлатиб беришлар», дейишади. Тезлатиш эса ҳар хил бўлади. Бундан кўпичча биз пардозловчилар ҳам манфаатдор бўлишимиз мумкин. Лекин бу ҳилдаги «хайбараналла-чилик» билан иш тутиш қоидага бутунлай хилоф. Объектдаги сифатсизлик худди мана шу ердан бошланади.

Сифатни яхшилаш масаласи ҳақида гап борганда келтирилятган материаллар ҳусусида ҳам икки оғиз айтиб ўтиш жоиз. Келтирилган ашик ва ромлар ҳар доим ҳам қўнғилдагидек бўлавермайди. Паркет, кафель, бўёқлар ўз вақтида келтирилмайди. Бу эса объектни топириш муддатини янада кечиктиради. Кейин иш «жадаллаштириш» натижасида сифатга путур етказилади.

«Жадаллаштириш» оқибатида сувоқ қилинган деворлар қуримасдан бўёқчилар силлиқлаб ятишади. Натияжада девор узоқ муддат ўтмай нурай бошлайди. Еки бўлмаса дурадгорлар эшик-ромларни ўрнатиб бўлгач, уларнинг атрофига гишт терилиб, мустаҳкамлашничи ва суваланичи керак. Лекин «бўл-бў» тўғрисида бу ерни айримлар қогоз тикиб суваб қўя қолишади. Натияжада қувончи ичига сиғмай келган хонадон соҳиби ремонтни эшикдан бошлайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қурувчиларга яратиб берилган ҳудуд шарт-шароитлар ҳам бажариладиган ишлар сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Шундай экан сифатли ва самарали иш талаб этиш учун энг аввало унга зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқ керак. Иш сифатини оширишнинг иккинчи омили меҳнат интизомидир. Сўнги йилларда тилимиздаги темир интизом амалиятга қўчгани яхши иш бўлди. Партия ашқумани белгилаб берган бу йўл қатъийдир. Ундан эртанги порлоқ истиқбол сари дадил бораверамиз.

У. КАРИМОВ,
12-трестнинг 49-бошқармаси прораби.

Ўқув йилига армуғон

Мақтабларда ўқишлар тугаб, ўқувчиларнинг ёнги каникуллари бошланди. Шуни қарамай, билим масканларида ҳамон ҳаёт қайнамоқда. Уларни янги ўқув йилига ҳар томонлама тахт қилиб қўйиш йўлида жонбозлик кўрсатиламоқда.

Қурувчи ва ремонтчиларнинг қўли-қўлига теғмайди. «Глававторострой»га қарашли 8-курслнинг бошқармаси азаматлари ҳам маориф ишига яқиндан ёрдам бериб, қатор янги мактаб биноларини қуриш билан шугулланмоқдалар.

Пойтахтимизнинг Оҳангарон шоссесидега қад қўтарган катта корпус ҳам билим даргоҳи учун мослаб қурилади. Уни бошқармаимиз В. Расеказов бошлиқ комплекс бригадаси теҳзорлик билан сифатли бунёд этди. Қурилиш-монтаж ишларининг ҳўжали ҳисоб асосида олиб борилиши натижасида уч минг сўмлик пул тежаб қолинди.

Замонавий лойиҳа асосида қурилган бу мактабда 1250 ўқувчи таълим олади. Ҳашаматли янги билим ўчоғи биринчи сентабрда толиби илмларга ўз эшикларини кенг очади.

А. АЛИЕВ.

Манфати ҳаммага манзур

Юнусобод массивининг 14-кварталида тикланаётган болалар богчаси кейинги вақтларда кўпчилигининг эътиборини жалб этмоқда. Шу атрофдан ўтиб кетувчилар кичикчатоилар масканини тез суьратлар билан ҳад ростлаб қўйишнинг алоҳида эътироф этишга ётишади. Ҳақиқатан ҳам манзур объектда қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштиришга муваффақ бўлинди. 159-қурилиш трестига қарашли 70-қурилиш бошқармасининг Одил Сайдуллаев ва Холмат Холиқовлар етакчилиги қилаётган комплекс бригадаларида янги иқтисодий шароитда иш юритишга ўтилганлиги ана шу муваффақиятнинг заминига пухта асос бўла олади. Улар зарбдорчасига меҳнат қилиб, Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарофига қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг барта шарҳларини пухта адо этишди. Меҳнат умумдорлигини ошириш, қурилиш таннархини қўзда тутилганидан бир мунча арзонлаштириш кўрсаткичлари олдинги йилга нисбатан яхши бўлди. Аниқ кўнларда богчада пардозлаш ишлари ушоққонлик билан олиб бориламоқда. «Ор-дестрой» трестига қарашли 46-қурилиш бошқармасининг Н. Тойлиев бошлиқ бригадаси аъзолари резервлардан самарали фойдаланиш ҳисобига иш суръатини суьрат қўйишга йўналиш. Ҳозирча бу ерда амалга оширилган пардозлаш ишлари 80 минг сўмлик тақимда бўлган эъмоқда. Ана 30 минг сўмлик иш ниҳоятга етказилса бино кичикчатоиларни ўз бағрига олади.

Янги иқтисодий шароитда иш қўришини афзаллигини ҳозир кўпчиликига тушунириб ўтириш шарт эмас. — дейди қурилиш участкаси прораби Убайдулла Султонов. — Шу йилнинг I январидан бошлаб ҳўжалик ҳисобига ўтиб ишлашимиз. Натияжаларимиз кувончли. Бундан ўзимиз ҳам мамнунимиз. Ростини айтсан бу шароитда меҳнат қилишининг гашти ўзгача бўларкан. Ўз ишимиздан моддий манфаатимиз ортайпти. Ҳозир сағимизда қолай ва маъсулиятсиз қурувчиларга ўрин қолмади. Ҳаммамнинг умумий ишга мубосабати ортди. Қурилиш материалларини тежаб-теғиб ишлаштишда янги имкониятлар пайдо бўлди.

Ш. ВАЛИЕВ,
ТошДУ студенти.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

Тушлар ва кунлар

Меҳнат бобом уруш ветерани диллар. Ҳар йил Ғалаба кунини ўзининг барча жанговар дўстларини Чирчиқ шаҳри ёнидаги Навбахор қишлоғига тақдир қилар, унинг учта ўғли билан боғлаб, қариялар хизматига бўлишарди. Отахонлар сўнги марта Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланган кунда йингилиди.

Ҳозир улардан биронтаси йўқ.

У вақтлар ўспирин йигит эдим. Бобом ҳам, унинг дўстлари ҳам дунёга устун бўлган, деб ўйлардим. Лекин ҳаёлимиз бир яқин фикр келди. Орадан яна бир-икки йил ўтган, бобомнинг ҳам, унинг қардонларининг ҳам портретларини ишлашга киришаман. Ҳозир қўлимдан келмайди.

Бобом васиятини эслаб, янгирма бешта ёнғоқ қўчати эдим, ўз ишогимиздаги ветеранлар билан қизикдим. Билсам, бобом сингари, улар ҳам ақолий бадийи образлар экан.

Биринчи бўлиб яқин қўшинимиз Исмомил ака Тўлаганов уй-

ге бордим. Қўлимда мўйқалам қўриб, у киши йилияда кўлдиди. — Ҳозир қириб, бир пилла чой ичасиз. Кейин тўғри посёлканинг нариги чеккасига, бизнинг оқсоқолимиз Ҳамидулло ака Расуловнинг уйига борасиз. Ундан кейин марҳумат.

Дарҳақиқат Ҳамидулло ака Расулов ҳар жиҳатдан муносиб одам бўлиб чиқди. 79 ёшли отахон ҳали ҳам меҳнат қилади. Бўйи-баси қирчиллама йигитдек. Илгари у Троицкидаги «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйида директор мувинини бўлиб ишлаган. Уни шу яқиндаги қолхозга қанс қилиб ўтказишгач, ўз ўрнига Исмомил ака Тўлагановни қолдирган. Исмомил ака эктирган дарехтларнинг ҳисобиди йўқ. Урушин у 9 май кунини Берлинда тугатган.

Исмомил ака Тўлаганов уйига турткичи кун яна қириб бордим. Қўлга мўйқалам олар эканман, марҳум бобом ва унинг жанговар дўстлари бошдан ўтган воқеаларга ўхшаш

руш хотираларини жимгина эшитаман.

— Автомобил батальонини командирини батальон парторги Исмомил Тўлагановга дарб устидан ўтган ағона кўприкни мудоффа қилишни топиради. У ер орқали минглаб одавлар, жанговар техника ва машиналар эвакуация қилинди.

— Биз қуршовдамиз, — деди командир. — Сенинг вазифанг сўнги машинада Белосток шаҳрига етиб олиш, давизия штабига боргач, аҳолини тушунтириб энди қўрсатма олиб қайтиш. Бошқа илож йўқ, алоқа узулган.

Тўлаганов жанговар дўстларини бирдан ташлаб кетишга кўнгли бормади. Озгина ёрдам бўлсин деб қурол-яроғ, ўқ-дори етказиб турди.

Бомбардимон давом этади. Душманнинг беш юзга яқин самолёти қўприкни, кишиларни, дарё соҳилларини бомбардимон қилмоқда. Унлаб ҳарбий техника ва от-аравалар, вай-

икки нафас олиб, яна шўнғийди.

Бомбардимон кечга бориб тинди. Вокзалда ҳеч ким қўримайди. Юлаб чамадон ҳар қаёқда сочилиб ётипти. Базиларни портлашдан очилиб кетган. Тўлаганов эрталабдан бери туз тотмаганини эслаб, ерда ётган печенегарлардан тегири олди. Бир неча бўлак қандири чўнтағига солди ва биринчи поевзднинг томига чиқиб, Белостокка етиб олди.

У поевзддан тушиб, ёранг йўл чеккасига чиқди. Ерга қолганини йиқилди, ухлаб қолди. Қанча ухлаганини билмади. Қаттиқ зарбадан ўзига келди. Қараса тепсида иккита миллиционер.

Улар жулдаур кийимли, афт-башареси қозон каби қоп-қора кимсага ҳайрон бўлиб тикилиб туришарди. Ҳужжатлари ҳам йўқ, тили қилмагача келмади. Миллиционерлар Тўлагановни олдларига солиб қайдаб кетишди. Бўлимда миллиционер поковниги уни яна суьроқ қилди. Ҳужжатларини суьриштирди. Шунда жангчи ҳамма қўнжетларини танасига бинт

билан боғлаганини эслади. Улар кўлдан ўтаётганда бўкиб қолган.

— Менга немис десантчикини тутиб олдиқ, дейишган эди, ўртоқ Тўлаганов, — деди полковник.

Сўнгра унинг буйғури билан Исмомил ақани ювантиришди, тез кийим кийдириб, қоринини тўйдиришди ва қўлига икки кунглик паёк беришди.

Эртаси кун аэзолаб у ўз қисми томон йўл олди.

Исмомил ака хизматни 143-ўқми полкада давом эттирди. Урушининг биринчи кунини шундай тугалланди.

Олдиде унинг яна бир минг тўрт ордан эиёб кунини бор эди. Ветеран анча вақт жим қолди.

— У қуларнинг ҳаммасини биз бошдан кечирдик... Сизлар амло кўрمانглар. Йигирме миллион шахид қони энди урушга йўл қўймайди,—кейин илова қилди, — ҳалок бўлган ҳар бир жангчи хотирасига ёттидан боғ ўстириш керак. Уларнинг ҳар бири ўз йиллик дарехтлардан яралсин. Искандар АХМАР.

ХАМ АЙЛАНИБ, ҲАМ ЭҒГИЛИБ

Тушнинг порт шаҳри Бизертадаги «Туғра» ресторани ниҳоятда кенг шўҳрат қозонган. Бунинг боиси бу ерда нархи нисбатан арзон ва лаззатли таомлар тайёрланишига эмас.

Тап шундаки, бу ерда жорий этилган қоидага қўра, ҳўрандага маъқул бўлмаган таомни мижозининг қўзи ўнгида ана шу таомни тайёрлаган ошпазнинг ўзи истеъмоқ қилиши лозим. Мабодо бутун тушқи оғнат маъқул бўлмаган қолса, уни ошпазлар устоз «ёйқ қилиш» керак. Ана шу таомлар учун ҳўранда ҳар ўтламай дўстлар. Ресторан ишга тушганидан бери ўтган ўн йил мобайнида мижозларнинг ўз ҳўқуқларини суьнист-мод қилиш ҳоллари бирор марта ҳам қайда этилмади, деб хабар қилди Рейтер агентлиги.

БУҚА ЭРНИДА

БЕГЕМОТ

Бегемот ўзининг ташқи ваъзини қўришини

қарамай энг қучли ва тажовузор ҳайонлардан бири ҳисобланади. Табиатида ана шу ёввойи вақиларига менсимай мубосабатда бўлган қўшнча кишилар бунинг жазосини тортишган.

Янгида Ваямоқ шаҳрида (Мали) бегемот иштирокидаги биринчи қориди ўтказилди. Унда ўз ёшли бегемот Саранин «буқа» ролин бажарди. Майдонга беш нафар матадор чиқди. Олиншур роппа-роз уч минут давом этди. Натияжада матадорларнинг ҳаммаси жанг майдонидан қўчиб қутулганга мажбур бўлди. Яралган Саранин эса яқинида «жанговар формада» қолди. Мутахассислар қориди учун бирнунга шўроқ ҳайонларни танилаш, уларни олдидан туққинликка тарбиялаш лозимдир, деб ҳисобламоқдалар. Испанияда чиқадиган «Панс» газетаси ана шу ҳақда ҳисоб қилади.



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Хавфсизлик Женева протоколи юзасидан мажбуриятларга хилоф равишда Эрон билан Ироқ ўртасидаги мождора химиявий қуролашни қўлланш давом этаятганлигини қатъий қораловчи резолюцияни ақидилик билан қабул қилди. Хавфсизлик Кенгаши ҳар икки томон мажбур протокол юзасидан мажбуриятларга мувофиқ келажакда химиявий қурулов қўлланшдан ўзини тийди, деб умид қилади, дейилган жумладан ана шу ҳужжатда. Резолюция БМТ бош секретари регионга йўллаган мессиянинг доклади қўриб чиқилганидан сўнг қабул қилинди. Хавфсизлик Кенгаши мождар давомида химиявий қурола ҳамон қўлланилаётганлиги, ҳатто уларни қўллаш ҳоллари тезлашганлиги ҳақидаги маъно хулосалари билан ташвишланиётганлигини изҳор этди.

Хавфсизлик Кенгаши Женева протокоliga қатъий рию қилиш зарурлигини ана бир бор таъкидлади. У барча давлатларни мождора ишторқ этувчи мамлакатларга химиявий қурол ишлаб чиқарилишига хизмат қилувчи химиявий моддалар экспорт қилишни устидан қаттиқ назоратни амалга оширишга, ана шундай назоратни ўрнатишга даъват этди.

СУРАТДА: Эрон-Ироқ мождароси давомида қўлланилган химиявий қуролаларнинг қўрбонлари.

КАЛЕЙДОСКОП

ХАМ АЙЛАНИБ, ҲАМ ЭҒГИЛИБ

Тушнинг порт шаҳри Бизертадаги «Туғра» ресторани ниҳоятда кенг шўҳрат қозонган. Бунинг боиси бу ерда нархи нисбатан арзон ва лаззатли таомлар тайёрланишига эмас.

Тап шундаки, бу ерда жорий этилган қоидага қўра, ҳўрандага маъқул бўлмаган таомни мижозининг қўзи ўнгида ана шу таомни тайёрлаган ошпазнинг ўзи истеъмоқ қилиши лозим. Мабодо бутун тушқи оғнат маъқул бўлмаган қолса, уни ошпазлар устоз «ёйқ қилиш» керак. Ана шу таомлар учун ҳўранда ҳар ўтламай дўстлар. Ресторан ишга тушганидан бери ўтган ўн йил мобайнида мижозларнинг ўз ҳўқуқларини суьнист-мод қилиш ҳоллари бирор марта ҳам қайда этилмади, деб хабар қилди Рейтер агентлиги.

БУҚА ЭРНИДА

БЕГЕМОТ

Бегемот ўзининг ташқи ваъзини қўришини

қарамай энг қучли ва тажовузор ҳайонлардан бири ҳисобланади. Табиатида ана шу ёввойи вақиларига менсимай мубосабатда бўлган қўшнча кишилар бунинг жазосини тортишган.

Янгида Ваямоқ шаҳрида (Мали) бегемот иштирокидаги биринчи қориди ўтказилди. Унда ўз ёшли бегемот Саранин «буқа» ролин бажарди. Майдонга беш нафар матадор чиқди. Олиншур роппа-роз уч минут давом этди. Натияжада матадорларнинг ҳаммаси жанг майдонидан қўчиб қутулганга мажбур бўлди. Яралган Саранин эса яқинида «жанговар формада» қолди. Мутахассислар қориди учун бирнунга шўроқ ҳайонларни танилаш, уларни олдидан туққинликка тарбиялаш лозимдир, деб ҳисобламоқдалар. Испанияда чиқадиган «Панс» газетаси ана шу ҳақда ҳисоб қилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ» АВТОВОКЗАЛИДА
«ТОШКЕНТ-ЧУЛПОНОТА» ЯНГИ АВТОВУС МАРШРУТИ ОЧИЛДИ.

Махжур маршрут бўйича автобус Тошкентдан соат 18.50 ва 20.50 да (маҳаллий вақт билан) жўнайд.

«ТОШКЕНТ-ПОП» маршрут бўйича автобус Тошкентдан соат 20.15 да жўнайд.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ АВТОВОКЗАЛЛАР ВА ПАССАЖИР АВТОСТАНЦИЯЛАРИ БИРЛАШМАСИ СИЗЛАРДАН БИЛЕТЛАР ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН КЕТАДИГАН ВАКТИНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИНИҒИЗНИ СЎРАЙДИ.

Касса «ТОШКЕНТ» автовокзалидан жойлашган бўлиб, соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

Юнусобод массивининг 15-кварталда коллектор ёқилганлиги муносабати билан 5 ИЮЛДАН ВОШЛАБ 8, 679, 91-маршрут автобусларининг йўли 15-кварталдан 14-кварталгача ҚИСҚАРАДИ.

Справклар учун телефон: 77-24-09.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг барча турдаги шаҳар пассажир транспортининг мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим

министрлиги
ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

янги ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Таом тайёрлаш технологияси, товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш, савдода бухгалтерия ҳисоботи.

КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРДА ЎҚИШ МУДДАТИ:

товаршунослик-саноат ва озиқ-овқат товарлари бўйича умумий ўрта маълумотлилар учун — 1 йилу 10 ой.
Таом тайёрлаш технологияси, умумий ўрта маълумот билан — 2 йилу 6 ой.

Техникумининг кундузги бўлимига ёш ўттиздан ошмаган қизлар қабул қилинади.

Сиртқи бўлимига эса савдо ва умумий овқатланиш системасида ишлайдиган кишилар ёшидан қатъий назар қабул қилинаверади.

Ўрта мактабни тугатган кишилар она тили ва адабиётдан (иншо), ҳамда химиядан (оғзаки) имтиҳон топирадилар. Савдода бухгалтерия ҳисоботи мутахассислиги бўйича математика (оғзаки) ва она тили ва адабиётдан (иншо) топирадилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот қақида ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкиси (086/У форма), 3х4 см, ҳамдаги 4 дона фотосурат, ишлайдиган кишилар учун меҳнат дафтаридаги нисбати. Ҳужжатлар топшириладиган пайтда туғилиш гувоҳномаси ёки паспорт, ҳарбий билет ёки чақирув гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Аризалар қабул қилиш ва кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади: кундузги бўлимига аризалар 14 августгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1-21 АВГУСТ КУНЛАРИ ТОПИШИЛАДИ.

Сиртқи бўлимига аризалар 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 10 июлдан 21 августгача.

Адрес: 700059, Тошкент шаҳри, Ш. Руствелии кўчаси, 105-уй (7, 24, 28-трамвайлар; 2-троллейбус; 79, 99-автобусларнинг «Западня» кўчаси) бекати). Телефон: 53-61-31.

ЧОРЛАР БИЗНИ ҚОРЛИ ЧЎҚҚИЛАР, МОВИЙ ДЕНГИЗ, ОЛИС МАНЗИЛЛАР...



Бу сафар биз бутун оламиз билан саёхатга жўнаб кетамиз. Сафар олдиндан зарур буюмлар рўйхатига назар ташлаб, айнан ўзимиз билан олишга мўлжаллаб қўйган буюмларнинг йўқлигига ишонч ҳосил қиламиз.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ САЕХАТ УЧУН ЗАРУР ҚУЙИДАГИ БУЮМЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

сунъий чаридан тикилган қўлай ва сифили, «молия» йлмали сафар сумкаларини, ранги — қизил, қулранг ва қора. Баҳоси 18 сўм; сунъий чаридан исалган чемаданларни;

46-размердаги ип-газламадан, турли размердаги сунъий, жуни ва аралаш газламадан тикилган спорт шимларини. Баҳоси 94 сўм 50 тишин;

турли размердаги трикотаж, жуни ва аралаш газламадан тикилган спорт шимлари (баҳоси 42 сўм);

сидирга ва турли рангдаги ип-газламадан тикилган, расм туширилган футболкаларни.

муҳрлаб қолдириш имконини беради. «ФЭД-5», «Зенит-ЕТ», «Силуэт-автомат», «Соқол» фотоаппаратларидан хоҳлаганингни танлаб олинг. Баҳоси 70 сўмдан 100 сўмгача.

ОТА-БОЛАГА ЁЗ

МАВСУМИГА

МАРКАЗИЙ

УНИВЕРСАЛ

МАГАЗИН ТАКЛИФ

ҚИЛАДИ:

оч рангдаги плашчбоп материалдан тикилган шимларни;

ҳаво ранг жинси шимларни;

ип-газламадан тикилган калта шимларни; ҳар хил рангдаги калрон ва канопдан тикилган шляпаларни;

сидирга, йўл-йўл, катак-катак шой ва ип-газламадан тикилган энги калта кўйлақларни;

ҳар хил размердаги энгил ва қўлай сандалетларни, кроссовкаларни.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН.

«Союзторреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Оқшом гашти. С. Маҳмамов фотоси.

Жамият ва қонун

ПАСПОРТ РЕЖИМИ ҲАҚИДА

Ҳамза район ички ишлар бўлими паспорт бўлимида шунинг бошлиғи О. Э. Аҳмедов паспорт режимини таъминлаш ишдаги айрим муаммолар ва камчиликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билан ўртоқлашди:

— Биринчи навбатда айрим гражданининг паспорт таъминотида камчиликлар муносабатда бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Натигада паспортни кийим-кечак билан ювиб юборишда, ўтга, сувга, ёгга тушириб юборишда, устига суюқликларни тўшуришда, йиртиб юборишда. Кимгадир паспортни бериб қўйиб, кейин кимга берганлигини эслаб олмайдиган ўртоқлар ҳам бор. Бозорларда, жамоат транспортларида қолдириб кетишда. Хуллас, паспортдан айрилган ишқушларнинг баҳоналарини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Масалан, Тошкентдаги В. П. Чкалов номида авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари Р. Эштеин паспортни техник мўлга тушириб юборган. «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавсимида истиқомат қилувчи К. Уматов эса тушунтириш хатида: «...Шимини юмюқчи эдим, чўнтағида паспортимни унутиб қолдирибман...» деб ёзди. «Ушловдоштранс» ходими Р. Ханнинг паспортини эса фарзанди йиртиб ташлабди.

Албатта биз уларни маъмурий жавобгарликка тортишга мажбур бўлдик. Уларнинг ҳар бирга 10 сўмдан жарима солинди.

Бизнинг фикримизча, паспортни йўқотган кишиларга қаттиқроқ чора кўрилиши керак.

— Паспорт режимига риоя қилишда ҳам қатор тартиб бузилишлари мажбур, — дейди Озод Эргашев. — 25 ва 45 ёшга тулгандан сўнг янги сурат ёпиштирилмаган паспорт билан ишлаётганлар бор. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи ходимларининг қонандировақларини расмийлаштиришда бундай ҳоллар тез-тез қайт этилади.

Эслатиб ўтамиз! Уйга қайтганда сўнг паспортнигиз жойинда, навбатдаги сурат ёпиштирилгани, текшириб кўриш. Ҳар бир гражданин 25 ва 45 ёшга тулгандан сўнг паспортга янги суратини ёпиштириши керак. Бу талаб бажарилмаган бўлса, паспорт ҳақида деб ҳисобланмайди. Сизга нисбатан маъмурий жазо қўлланиши мумкин. Бундан ташқари меҳмонхоналарга жойлашув, ҳаво транспортдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўласиз.

Қимматли иш вақтингизни тежаш мақсадида паспорт бўлималярининг гражданиларни қабул қилиш графигини билан таништириямиз:

- сешанба — соат 8 дан 18.00 гача
- чоршанба — соат 10.00 дан 20.00 гача
- пайшанба — қабул қилинам
- Жума — соат 8 даг 18.00 гача
- шанба — соат 9 дан 15.00 гача
- яқшанба, душанба — дам олиш кунлари.

ЖИНОЯТЧИЛАР УШЛАНДИ

● 27 июнь кечки пайт уйига келган ҳайдовчи В. А. Цуркан ўзига бириктирилган «ГАЗ-53» автомашинасини ўғирлаб кетиш учун жиноятчи бир неча минут кинофа эканлигини тасаввур ҳам қилмаган эди. Милиция ходимлари кўрган шошилинч чора-тадбирлар натижасида автомашинани ўғирси қисқа вақт ичида Г. Петров кўча-сидига ушлади.

Дастлабки текширишга қараганда транспорт воситасини ана шу микрорайонда истиқомат қилувчи, ялтари шу хилдаги жиноятлари учун икки марта судланган Энолай Ш. ўғирлаган Энолай Тергов давом этапти.

● Социалистик мулк етарли даражада муҳофаза этилмаганлиги натижасида 21 июнь кундуз кўни Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг Жарқўрган кўчасидаги 47-уйда жойлашган Республикага таъминот базаси 3-омирдан 14 та «СТ-55» маркали аккумулятор ўғирланган эди. Жиноятчи ушлади. Тергов олиб борилапти.

САМОГОН ТАЙЕРЛАГАНИ УЧУН

Октябрь районда истиқомат қилувчи А. Р. Абдуқодировга 17 июнда самогон тайёрлагани учун 300 сўм миқдорда жарима солинди. Ундан 150 литр брага, 0,5 литр самогон ва самогон тайёрловчи аппарат мусодара этилиб, йўқ қилинди.

ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

● 28 июнга ўтар кечаси Юнусобод массивининг 14-кварталда жойлашган «Сангам» магазини яқинида номатлум шахс «Жигули» ҳайдовчиси Николай К. дан «бемор дўстимни кўрмоқчи эдим, СамПИга элтиб қўйинг» деб илтимос қилди. Йўлда машинага яна уч киши ўтирди. Машина Тошкент ҳалқа йўлига чиқиб, бироз юргандан сўнг «йўловчи»лардан бири орқа томондан ҳайдовчининг бўйинига арқон ташлади. Кейинроқ уни орқа ўриндиққа ўтказишди. Аммо ҳайдовчи қаршилик кўрсатиб, автомашинани ташлаб, воқеа ҳақида милиция органларига ҳабар қилди. Машинани тўхтатган йигит 20 ёшларда, бўйи 160 сантиметр, қотмадан келган. Йўлда қўшилганлардан икитаси ҳам 20 ёшларда, биттаси 30 ёшларда. Кейинроқ автомашинани Гвардейская кўчасидаги Абразия заводи яқинида ёқиб юборилган ҳолда топилди.

● 26 июнь кечки пайт Ленин районидagi темирйўлчилар парки территориясида бир гуруҳа ёшлар Совет Армияси сафидан демобилизация қилинган Евгений Б.ни тунгадилар.

Унинг қулранг дипломати, «Панасоник» маркали иччам магнитофони, плашчбоп материалдан тикилган костюми, шарфюмерия термаси, қора кўзойнаги, ҳаворанг «Монтана» сумкаси, хотинқизларнинг йилл рўмоли, совти юрак шаклидаги занжирли қулони ўғирланган.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

8 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА
9, 10 ИЮЛЬ СОАТ 16 ВА 19.00 ДА
ХОРАЗМ САЊЪАТКОРЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

АМУ — ГАНГ» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ РЕПЕРТУАРИДА ХИНД КИНОФИЛЬМЛАРИДАН ҚЎШИҚЛАР

Олдиндан билет сотиш кассаси очилган. Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди. Справклар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

НАХИЧЕВАНГА МАРҲАМАТИ

ТОШКЕНТ САЕХАТ ТУРИСТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

СИЗЛАРНИ АНА ШУ МАРШРУТ БЎЙЛАБ НАХИЧЕВАНГА ДАМ ОЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

НАХИЧЕВАН! Кавказнинг энг гўзал бурчакларидан бири, тоғлар ва яси текисликлар, пишиқириб оққан дарёлар, кўлдан кўп феруза ва муздек ҳамда иссиқ булоқлар, сон-саноксиз минерал сув манбалари ўлкасидир. Уни ҳақли равишда табиий музей деб аташди. Ўлканинг қорли тоғ чўққилари кишини ҳайратга солар даражада гўзал ва улдуғвор қўринад. Хушманзара воҳа ва тоғларнинг эркакловчи нигоҳи, турли ғаройиб шакллардаги қоялар, ғорлар, баҳайбат ҳажмдаги базальт қасрлар, феруза ва тил-тинч қўлар, чиройда тенги йўқ шоввалар, дов-даратлар акдоғига бой ўрмонлар, альп ўтоқлари, серхосил дала ва боғлар кишида унутилмас гўзал таассуротлар қолдиради.

НАХИЧЕВАН! — инсон цивилизациясининг энг қадимий ва ўзига хос ўчоқларидан биридир. Бу ердаги ҳар бир тош, ҳар бир қарич ер ўзининг ибратли ва қаҳрамонлик тарихига эга. Улар донолик ва авлодларимиз улуг ишлари ҳақида ҳикоя қилади, уларнинг тенгсиз жасорати ва улдуғвор санъати ҳақида бизга сўзлайди. Тош асрининг номатлум расомни Гемитая тоғи қояларида ўйиб ишланган мингглаб тасвирларнинг ҳаммаси ҳам бизгача гўла сақланиб қолмаган. Аммо сақланиб қолганларининг ўзи ҳам кўбининг зарри нурлари остида худди биллур каби жилдолани кишилар диққатини ўзига тортади ва ҳайратга солади. Кўрган деворлари, тош кўрғонлари, миноралари, қоя плиталари шулар жумласидандир. Афсонавий халқ қаҳрамони Бабекининг бу ерларга оғи теканлиги ҳақида ҳикоя қилади. У жаҳонда биринчи бўлиб овозлигини қизил байроғини тиккан эмиш. Хусейрининг ўғли Юсуф, Мониме-Хотин мақбара ёдгорликлари, Карабаллар қароғроҳидаги архитектура комплекси Гулистон мавзолейи — Нахичеванининг тош симфонияси бўлиб, мана саккиз юз йилдири ўз чиройи ва фусункорлигини йўқотмай келади.

Бугун Нахичевань — бу гуллаб яшнаган ўлка, соҳига оқ тушган ва ҳамшира навқирон дийёрди. Саёхатга жўнаш вақтлари: 26 июлдан 31 июлгача; 16 августдан 21 августгача. Пўтёвна баҳоси — 185 сўм.

Самолёт билан бориш ва қайтиш, жойлашув, овқатланиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари пўтёвна қийматига қиради.

Ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, 78-алоқа бўлими, Намойишлар хиебони, 5-уй.



ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

РСФСРнинг корхоналари ва қурилишларига

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ЮБОРАДИ

— «ВОЛГОДОНСКОСТРОЙ» БИРЛАШМАСИГА — Ростов области, Волгодонск, шахри;
— «ДАЛЬЭНЕРГОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ЛУЧЕГОРСКО МОНТАЖ ВОШҚАРМАСИГА — Приморье ўлкаси, Лучегорск посёлкаси.

— «ДАЛЬЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ПРИМОРЬЕ ГРЭСИ ҚУРИЛИШ ВОШҚАРМАСИГА — Приморье ўлкаси, Лучегорск посёлкаси;

— «БРАТСКГЭССТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ХАРАНАРСКО ГРЭСИ ҚУРИЛИШ ВОШҚАРМАСИГА — Чита области, Оловинский райони, Ясногорск посёлкаси;

— Ф. ЭДЗЕРЖИНСКИЙ НОМИДАГИ ВОЛГОГРАД ТРАКТОР ЗАВОДИГА — Волгоград шахри;
— «БАРИКАДА» БИРЛАШМАСИГА — Волгоград шахри;

— «ГЛАВАМУРСТРОЙ»нинг «ЕРКОВЕПУГЛЕССТРОЙ» ТРЕСТИГА — Амур области, Благовещенск шахри;

— «ГЛАВАМУРСТРОЙ»нинг 1-ТРЕСТИГА ҚАҒАШЛИ 12-КЎЧА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШАН КОЛОННАСИГА — Амур области, Шимановск шахри;

— «ГЛАВАЛАДИВОСТРОЙ»нинг ВЛАДИВОСТОК УИСОЗЛИК КОМБИНАТИГА — Приморье ўлкаси, Владивосток шахри;

— БАЛАШОВ ПЛАШЧБОП ГАЗМОЛЛАР КОМБИНАТИГА — Саратов области, Балашов шахри;
— КАЛИНИН ИГИРИВ ФАБРИКАСИГА — Калинин шахри.

Меҳнат шартномаси муддати — 1-2 йил. ЕЛҒИЗ ЭРНАКЛАР Красноярск ўлкаси, Архангельск области, Томск, Сиктивкар, Печора шаҳарлари ёғоч оқизи идоралари, ёғочни қайта ишлаш бирлашмаларига мавсумий ишларга таклиф қилинади.

МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ — 6 ОЙ.
Ишга Тошкент шаҳрида пропискдан ўчмаган ҳолда, биргина паспорт ҳисобига жўнаб кетиш мумкин.

Справклар ва ишга йўлламалар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилингиз: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй (исталган транспорт билан бориш мумкин. «Темир йўл вокзали» бекати) ва шаҳар ижроия комитетлари қошидаги аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74; 32-57-84; шаҳар ҳўналиги, савдо ва маъшии хизмат — 32-55-39; капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқу юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; халқаро ва ташқи ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42; 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустиқли равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшомини» («Вечерний Ташкент») орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Кизинга Ўзбекистон орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.